

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

**ULGURJI SAVDO KORHONALARI
UYUSHMASI**

O'ZULGURJISAVDOINVEST



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

**АССОЦИАЦИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ
ОПТОВОЙ ТОРГОВЛИ**

УЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ

100021, Toshkent sh. Navoiy ko'chasi, 25
tel.: (998 71) 239-49-71
fax: (998 71) 239-13-52, 239-11-51
web sayt: www.uzsavdo.uz
e-mail: info@uzsavdo.uz

07.08.2014 № 5

100021, г. Ташкент, ул. Навои, 25
тел.: (998 71) 239-49-71
факс.: (998 71) 239-13-52, 239-11-51
веб-сайт: www.uzsavdo.uz
e-mail: info@uzsavdo.uz

Буйруқ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг ишончли кўрсаткичларини тизимли тўплаш ва шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш самарадорлигини рейтингли баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 31 декабрда "Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 355-сонли қарор қабул қилинди.

Мазкур қарор билан:

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳолаш тизими 2014 йил 1 январдан бошлаб жорий этиш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом 20-бандининг бешинчи хат боши, шунингдек Низомга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

Қуйидагилар:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳолаш тизими тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва

ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳолашни амалга ошириш схемаси 2-иловага мувофиқ;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар 3-иловага мувофиқ тасдиқланди.

Мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Уюшманинг расмий веб-сайти давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларига қўйиладиган асосий талабларга мувофиқлаштирилсин.

3. Бош бошқарма бошлиғи Ш.С.Асамовга:

3.1. ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини тизимдаги улгуржи савдо базаларга етказиш;

3.2. Уюшманинг расмий веб-сайтига маълумотларни мажбурий бўлган ахборотлар рўйхатига қатъий амал қилган ҳолда киритиш топширилсин.

4. Уюшма марказий девони бошқарма ва бўлим бошлиқлари :

4.1. Уюшма томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, семинарлар ва брифинглар, давра суҳбатлари, расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотлар, бошқа ахборотлар;

4.2. қабул қилинган дастурлар, чора-тадбирлар, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги умумий маълумотлар;

4.3. расмий веб-сайтга киритиб бориш учун фаолият доирасидаги ҳолатлар, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда унинг ўзгариш динамикасини тавсифлайдиган асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар Уюшманинг Ахборот хизматида ҳар ўн кунлик муддатда тақдим этиб борсинлар.

5. Мазкур буйруқ ижроси бўйича назоратни ўз зиммамда қолдираман.

**“Ўзулгуржисавдоинвест”
Уюшмаси раиси**



З.О.Файзиев